

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УМАРХОДЖАЕВ ФАТХУЛЛА РИХСИХОДЖАЕВИЧ

**ЗЎРАЙИБ БОРУВЧИ СКОЛИОЗНИ ДАВОЛАШНИНГ
РЕКОНСТРУКТИВ-КОРРЕКЦИЯЛОВЧИ УСУЛЛАРИ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of Doctoral (DSc) Dissertation

Умарходжаев Фатхулла Рихсходжаевич

Зўрайиб борувчи сколиозни даволашнинг
реконструктив-коррекцияловчи
усуллари.....

3

Умарходжаев Фатхулла Рихсходжаевич

Реконструктивно-корригирующие методы
лечения прогрессирующего
сколиоза.....

27

Umarkhodjayev Fatkhulla Rikhsikhodjayevich

Reconstructive-corrective methods of treatment of
progressive
scoliosis.....

51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published

works.....

55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УМАРХОДЖАЕВ ФАТХУЛЛА РИХСИХОДЖАЕВИЧ

**ЗЎРАЙИБ БОРУВЧИ СКОЛИОЗНИ ДАВОЛАШНИНГ
РЕКОНСТРУКТИВ-КОРРЕКЦИЯЛОВЧИ УСУЛЛАРИ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib251 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzniito.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Азизов Мирҳаким Жавҳарович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Худойбердиев Қобилжон Турсунович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Новиков Вячеслав Викторович
тиббиёт фанлари доктори
(Россия Федерацияси)

Шатурсунов Шаҳайдар Шаалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78уй. Тел.:(+99871)233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э. Ирисметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби,
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.П. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сколиоз касаллиги замонавий ортопедиянинг энг мураккаб муаммоларидан бири хисобланади. Хозирги вақтда сколиоз тарқалиши бўйича таянч-харакат тизими касалликлари орасида юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Тадқиқотчиларнинг умумий хулосаларига кўра, «...сколиознинг тарқалиши 1,5%-3%ни ташкил қилади, бунда касалликнинг жарроҳлик босқичига етиб борадиган, клиник аҳамиятга эга бўлган зўрайиб борувчи сколиотик деформациялари 0,1% - 0,38% ҳолатларда қайд этилади»¹, айниқса умуртқаларнинг оғир даражадаги сколиози 97% ҳолатларда жиддий асоратлар бериши қайд этилган. Сколиоз сурункали оғрик, юрак ва ўпкаларнинг фаолиятини бузилиши, нервларнинг паралич даражасигача сиқилиши, ташқи кўринишнинг хисобига психологик муаммоларни келтириб чиқаришидан ташқари, ногиронлик, меҳнатга лаёқатсизлик, дегенератив жараёнларнинг ривожланиши, ҳаёт давомийлигининг қисқаришига ҳам олиб келади. Замонавий хирургия технологиялари юқори самардорликка эга бўлишига қарамай, улардан фойдаланиш асоратларнинг хавфи юқори бўлган мураккаб инвазив ва қимматбаҳо жарроҳлик муолажаси бўлиб қолмоқда. Шунинг учун сколиоз касаллигига олиб келувчи ҳолатлар ва сабаблар муносабатларини аниқлаш, даволаш ва ташхислашни такомиллаштириш муҳим тиббий-ижтимоий муаммо сифатида аҳамият касб этади.

Жахон илғор мамлакатлари миқёсида сколиоз касаллигининг ташхислаш ва комплекс даволашни такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада транспедикуляр фиксация усули, икки стерженли тизимлар ёрдамида коррекциялаш, илгакли элементлар билан имплантлаш, инструментал спондилодез, дискэктомия ва вертебротомия асосида орқа ва олд умуртқа қисмларида сегментар резекция каби реконструктив-коррекция усуллари, орқа релиз ва инструментал спондилодез комбинацияси, циркуляр умуртқалараро блокни шакллантириш, вентрал мобилизация, гало-тракция ва ички дистракция, очик торакотомик хирургик ёндашувни қўллаш, дистракция ва субламинар симлардан ва эндоскопик техникадан фойдаланиш орқали сколиотик деформацияларнинг ҳаракатчанлик даражасини аниқлаш, деформацияни танани букиш ёки тортиш ҳамда сколиоз чўққисига босим ўтказиш йўли орқали консерватив ёки хирургик коррекция қилиш усуллари такомиллаштирилмоқда. Сколиоз коррекциясида замонавий инструментал жарроҳлик технологиялари мавжудлигига қарамай, хирургик амалиётларнинг турли хирургик асоратлари кам эмас (32-50%), коронар мосламанинг ностабиллиги, параплегия ва параличлар ҳолатлари кузатилмоқда. Операциялар давомийлиги, турли мосламалар

¹ Konieczny M.R. Epidemiology of adolescent idiopathic scoliosis / M.R. Konieczny, H. Senyurt, R. Krauspe // J. Child Orthop. - 2013. - Vol. 7, No 1. - P. 3-9

қўлланилиши ва локализацияси бўйича турлича фарқланади, бу эса оператив даволашнинг етарли даражада стандартлаштирилмаганлиги исботлайди, бу эса даволаш тактикасида дифференциацияланган ёндашувни амалга оширишни қийинлаштиради, жарроҳлик амалиётидан аввал амалга ошириладиган режалаштиришда хатоликларга сабаб бўлади. Юқори самарадорликка эришиш билан қаторда умуртқанинг ҳаракат функцияси қатъян чеклаб қўйилиши муносабати билан асоратлар келтириб чиқариш хавфи юқори бўлмоқда, шунга кўра патогенетик асосланган жарроҳлик усуллари такомиллаштириш зарурияти ошмоқда.

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасида тиббий хизматни такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, сколиотик деформациялар диагностикаси ва комплекс даволашни такомиллаштириш, шу миқёсда ногиронликни камайтиришга бағишланган қатор вазифалар, жумладан «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифатини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш...»² белгиланган. Бу борада сколиотик деформациянинг турли шакллари замонавий юқори технологияларни қўллаш орқали самарали комплекс ташхислаш ва даволаш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш ва ҳаёт сифатини ошириш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Болалар ва ўсмирларда сколиоз касаллигини ташхислаш ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.betterthanspinalfusion.com; www.wicker.de; bookinghealth.com; en.bookimed.com; en.bookimed.com; en.bookimed.com; en.bookimed.com; www.heidelberg-university-hospital.com; www.livhospital.com; spinal-deformity-surgeon.com; www.rchsd.org.

хирургик даволаш натижаларини яхшилашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи тиббиёт марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Assuta Medical Center (Israel, Tel Aviv); Werner Wicker Clinic Bad Wildungen (Germany, Bad Wildungen); Hanyang University Medical Center (Republic of Korea, Seoul); University Hospital Mainz (Germany, Mainz); Döbling Private Hospital (Austria, Vienna); Bumrungrad International Hospital (Thailand, Bangkok); Rambam Medical Center (Israel, Haifa); Centro Médico Teknon (Spain, Barcelona); Motol University Hospital (Czech Republic, Prague); Научно-исследовательский детский ортопедический институт имени Г.И. Турнера (Российская Федерация, Санкт-Петербург,) Новосибирский научно-исследовательский институт травматологии и ортопедии (Российская Федерация, Новосибирск), Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент)да олиб борилмоқда.

Дунё миқёсида болалар ва ўсмирларда сколиотик деформацияларни даволаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида сколиотик деформацияларда сагиттал ва фронтал балансни тиклаш, инструментал таъсир кўрсатилган умуртқалар функцияларини максимал сақлаган ҳолда уларнинг ишончли синтезига эришишга йўналтирилган турли хил ечимлар таклиф этилган (National Surgical Research Collaborative, London, United Kingdom). Кўлга киритилган муайян ютуқларга қарамасдан операциядан кейинги асоратлар ривожланиши жуда юқориликча қолмоқда, шуни назарда тутган ҳолда даволашни илмий асосланган ҳолда олиб борилишига амал қилиш тавсия этилган (Heidelberg University Hospital, Germany; Liv Hospital, Turkey).

Идиопатик сколиозни хирургик даволаш бўйича узоқ давом этган кузатувлар натижалари адабиётларда кам ёритилган, аммо муаллифлар беморларни кузатиш муддатлари узайтирилганда асоратлар сони ҳам кўпайишини қайд этишган, бунда эрта асоратлар частотаси кам эмас, 2 йилгача бўлган асоратлар частотаси кечки асоратлар частотасига қараганда бир неча марта камлиги қайд этилган. Бу тоифадаги беморлар сонининг тўхтовсиз ортиб бораётганлиги, даво тактикаси масалаларида ёндашувларнинг турли хиллиги ва даволаш натижаларининг қониқарсизлиги ушбу патологиянинг клиник жиҳатлари бўйича изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дунё миқёсида болалар ва ўсмирларда сколиозни даволаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида сколиотик деформацияларда сагиттал ва фронтал балансни тиклаш, инструментал таъсир кўрсатилган умуртқалар функцияларини максимал сақлаган ҳолда уларнинг ишончли синтезига эришишга йўналтирилган турли хил ечимлар таклиф этилган. Турли оғирликдаги сколиозни жарроҳлик йўли билан даволашда замонавий икки корпусли (Hari T., 2015), илгакли (Suh S.W., 2009), гибридли (Lukissas M.G., 2013) ва транспедикуляр фиксацияли винтли (Luo .M., 2017) конструкциялар

(CDI ва унинг аналоглари) ёрдамида умуртқа деформациясининг кўшимча олд мобилизациясиз (Lehman, et al., 2014;), юқори самарали (70% ёки ундан кўп) коррекциясини таъминлаш мумкинлиги кўрсатилган (Kim, et al., 2006; Lenke et al., 2009; Suk, et al., 2012; Lykissas MG, et al., 2013; Lonner B.S. et all 2018). Сколиознинг оғир турларидаги жарроҳлик даволаш комплексида дискэктомиа ёки вертебротомиа (PSO, VCR) асосида умуртқа поғонаси олдинги қисмларини сегментар резекция қилиш сабабли кўшимча мобиллиги оширилган (Mehlman S.T., 2004; Qian B.P., 2006; Xia L., 2015). Транспедикуляр фиксациянинг мураккаброқ ва инвазив тизимига ўтиш ва, хусусан, винтларни жойлаштиришнинг “юқори зичлиги” стратегиясини қўллаш (Yilmaz, et al., 2012;), операциянинг инвазивлиги (Hero N. 2017), кўп меҳнатни талаб қилиши ва давомийлиги чўзилиши кўрсатилган (Theologis, et al., 2017). Имплантация қилинувчи конструкциялар таркибий элементларининг сони бир бараварига ошди, бу эса инструментал, аппаратли ва медикаментоз таъминотлар, қон йўқотиш, асоратлар хавфи ва реоперациялар частотасининг хажми оширди (Chan, et al., 2003; Mueller, et al., 2012; Yilmaz, et al., 2012, Samdani, et al., 2013; Lonner, et al., 2017; Kwan, et al., 2017). Асосий сколиотик ёйнинг дўнг томонига бир корпусли сегментар илгакли конструкцияни ўрнатиш кўпгина муаммоларни ҳал қилишга қодир, аммо, ушбу усулнинг самарадорлиги ва бехатарлиги ҳақидаги натижаларни ўрганишга бағишланган маълумотлар етарли эмас. Айни пайтда адабиётларда ушбу муаммолар ечими бўйича нашрлар бир-бирига зид.

Ўзбекистонда сколиоз касаллигини ташхислаш ва хирургик даволаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ташхислаш мезонлари ва жарроҳлик даволаш усуллари қўлланилган (Хужаназаров И.Э., Облокулов Х.Б., Иботов Б.И., 2018). Идиопатик сколиозларда винтли мосламалар қўлланган ва натижалари баҳоланган (Салиев М.М., Кодиров С.С., Холов З.С., Жабборберганов А.Д., 2020), ўсмир ёшидаги болаларда транспедикуляр фиксация мосламаларини сколиотик деформацияларда қўллаш юқори самарали коррекцияни таъминлаб бериши исботланган (Холов З.С., Кодиров С.С., Равшанов Ш.Н., 2019), бироқ сколиоз билан оғриган беморларни операция олди тайёргарлиги, жумладан циклик тортишлар орқали умуртқа мобиллигини ошириш ва стадартлаштириш, жарроҳлик муолажаларида босқичма-босқич коррекцияловчи жарроҳлик муолажалари, клиник ташхиси ва даволашни илмий асослашга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган. Юқоридагиларни эътиборга олиб сколиотик деформацияларни мобиллигини ошириш мақсадида клиник функционал тамойилларни асослаб бериш, бу касалликда илгакли конструкцияларни қабарик томондан қўллаш ва самарадорлигини ошириш, оғир даражадаги беморларда босқичли услубларни такомиллаштириш масаласи ортопедияда долзарб ва амалий жихатдан муҳим ҳисобланади.

Жаҳон илмий адабиётларидан маълумки, идиопатик сколиозда умуртқа поғонасининг мобиллигини ошириш мақсадида қўлланиладиган функционал рентген ташхислаш, жумладан сколиотик деформация чўққисига куч билан босим ўтказиш (Vedetman R., 2000) орқали ҳолатини баҳолаш, беморни горизонтал ҳолатда тракцион тортиш орқали ташхисот ўзгаришларини аниқлаш (Davis V.J., 2004), ён томонга максимал эгилиш «Fulktrum bending radiograph» усулини қўллаш (Kleeps S.J., 2001; Cheung W.Y., 2010) орқали объектив мезонлари аниқланган. Кам ҳаракатчан сколиотик деформациялар коррекциясининг самарадорлигини ошириш учун жароҳатлар асоратлари хавфининг юқорилиги (Ж.Дюбоссе, 2010.; Yang et al., 2016;), юқори травматизация хавфи (Lonner, et al., 2017;), операция аралашувлари хажмининг ошиши ва қўшимча тарзда ресурсларнинг сарф бўлиши билан боғлиқ бўлган мобилизация қилувчи дискэктомия, вертебротомия ва гало-тракциянинг ҳар хил турларини қўллаш билан қўшимча хирургик мобилизация усулларидан фойдаланилган (Rinella, et al., 2005; Qian, et al., 2006; Richards, et al., 2006; Reames D. et al., 2011; Lenke, et al., 2013; Koerner, et al., 2014; Boachie-Adjei, et al., 2015; M.C. Gupta, K.H.Bridwell, 2020.) Бугунги кунгача мунтазам равишда тананинг такрорий тортилиши сколиознинг патофизиологик намоён бўлишига ва скелетнинг ўсишига, юрак-қон томир, ўпка ва асаб тизимларининг ишлашига таъсир қилувчи бемор танасининг мослашувчанлигига таъсири жуда кам ўрганилган, илмий адабиётларда ушбу мавзу деярли ёритилмаган, клиник амалиётда эса сколиотик деформациялар ҳаракатчанлигини оширишнинг нохирургик усуллари мавжуд эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС-15.26.10-сон «Сколиотик касалликда болалар ва ўсмирларда умуртқа поғонасининг ўқ деформациясини босқичма-босқич хирургик коррекциясини такомиллаштириш» (2015-2017 йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умуртқа мобиллигини оширишнинг функционал даволаш-диагностик комплексини қўллаш асосида сколиотик деформацияларни хирургик даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

систематик тарзда тортиб чўзишлар асосида сколиотик деформацияларнинг мобиллик даражасини оширишнинг стандартлаштирилган даволаш-диагностик комплекси ва уни оширишнинг функционал усулларини ишлаб чиқиш;

сколиотик деформацияли беморларда осиб қўйиш билан систематик тарзда тортиб чўзишларнинг сколиотик деформация мобиллигига, антропометрик кўрсаткичлар, нафас тизимига таъсирини баҳолаш;

бир корпусли илгакли тизимларни қўллаш асосида ўртача оғирлик даражасидаги сколиозни хирургик коррекциялашнинг самарали усулини ишлаб чиқиш;

сколиозни хирургик даволашнинг позицион усуллар билан таққослаш, кўрсатмаларни аниқлаш ва ишлаб чиқилган усулнинг яқин ва узоқ муддатлардаги самарадорлигини аниқлаш;

сколиознинг оғир шакллари босқичли ва босқичсиз коррекциялаш ҳамда бир ёки икки корпусли металл конструкциялардан фойдаланган ҳолда реконструкциялаш услубининг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2001-2018 йилларда Республика болалар ортопедия маркази ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаларида сколиотик деформациялари бўлган жами 171 нафар беморлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида деформацияланган умуртқа поғонаси мобиллигини аниқлашни комплекс баҳолаш, сколиознинг турли шакллари ташхислаш ва даволашнинг тракцион, рентгенфункционал, инструментал (ташқи нафас функцияси) текшириш усуллари ёрдамида босқичма-босқич сегментар коррекциялаш ва реконструкциялаш натижалари ва статистик маълумотлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Текширувлар жараёнида клиник, рентгенологик, антропометрик, фотоантропометрик, функционал электронейромиографик, ташқи нафас функциясини текшириш, спирометрия, клиник лаборатория, электрокардиография, мультиспирал компьютер-томография (МСКТ), магнит-резонанс томографияси (МРТ), статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сколиознинг қабариқ томонига бир томонлама бир корпусли тизим орқали таъсир қилиш ёрдамида ўртача даражадаги сколиотик деформацияни коррекциялаш усули ишлаб чиқилган;

таклиф этилган дастлабки операция олди тайёргарлик дастури ва комплекс ташхислаш деформацияланган умуртқа поғонаси мобиллигини ошириш, операция олди режалаштириш, прогнозлаш ва функционал тайёргарлик комплексини аниқлаштиришга имкон бериши исботланган;

сколиоз билан оғриган беморларда танани систематик чўзиб тортиш давомийлиги ва частотаси таъсирининг умуртқа поғонаси ўқи деформацияси мобиллигининг ошишига тўғридан-тўғри пропорционал боғлиқлиги исботланган;

умуртқа поғонасини систематик чўзиб тортишлар билан даволаш курси таъсирида сколиоз билан оғриган беморларда ўпканинг ҳаётий сифими ортиши спирометрия ва ташқи нафас функциясини текшириш натижалари орқали аниқланган;

сколиоз деформациясининг тури ва оғирлик даражасига кўра ишлаб чиқилган бир ва икки корпусли мосламалар орқали коррекциялаш учун кўрсатмалар таклиф этилган ҳамда уларнинг самарадорлиги исботланган;

сколиознинг оғир даражаларини ишлаб чиқилган босқичма-босқич сегментар коррекциялаш ва реконструкциялаш тактикасини қўллаш орқали дифференциал ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли оғирлик даражасига эга бўлган сколиознинг зўрайиб борувчи шаклларины коррекциялашнинг юқори самарали даволаш усули ишлаб чиқилган;

оғир даражали сколиозларни даволашда икки томонлама таъсирга эга бир корпусли имплант тизимлар ёрдамида коррекцияловчи босқичли тактика таклиф этилган;

операция олди тайёргарликни режалаштириш ва прогнозлашнинг диагностик комплекси, яъни функционал диагностика, натижаларни прогнозлаш, деформацияланган умуртқа поғонаси ҳаракатчанлигини (мобиллигини) функционал оширишнинг стандартлаштирилган тактикаси ишлаб чиқилган;

турли этиология ва оғирлик даражасига эга сколиозни даволашнинг хирургик стратегияларини дифференциацияланган танловини амалга ошириш мақсадида деформациянинг ўлчами, унинг ҳаракатчанлиги стандарт равишда аниқланган;

клиник амалиётда бир томонлама таъсирга эга бир корпусли тизимлар билан ўртача оғирлик даражасидаги сколиотик деформацияларни коррекциялашнинг самарали усули такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилиши, беморлар сонининг етарлилиги, замонавий клиник ва нур текширув усулларининг қўлланилиши, сколиозни даволашнинг босқичма-босқич коррекцияловчи усулларини қўлланилиши, хирургик даволашга янгича ёндашув, олинган натижаларнинг статистик таҳлил натижалари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илмий иш мазмуни, хулосалари ва таклифлари сколиознинг турли шаклларины ташхислаш, операция олди режалаштиришда сколиотик деформациянинг максимал функционал мобиллигини аниқлаш, бир ва икки томонлама коррекцияловчи таъсирга эга илгакли металл конструкциялар билан сколиознинг турли шаклларины коррекциялашнинг позицион стратегиясини қўллаш сколиоз касаллигида умуртқа поғонаси деформациясини сезиларли коррекциясига эришиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тизимли тарзда чўзиб тортишлар асосидаги операция олди тайёргарлиги бўйича ишлаб чиқилган комплекс функционал ташхислаш, прогнозлаш, деформациянинг мобиллигини ошириш ва профилактика қилиш тактикаси ҳамда унинг сколиотик деформацияларни самарали хирургик коррекциясига эришиш ва беморнинг касалхонада ётиш муддатини қисқариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зўрайиб боровчи сколиозни даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бир томонлама коррекцияловчи таъсирга эга илгакли металл конструкциялар билан сколиознинг турли шакллари коррекциясини реконструктив-коррекциялаш ёрдамида даволаш бўйича ишлаб чиқилган «Сколиоз касаллигини жаррохлик коррекциялаш усули» учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 06431-сон патенти, 25 февраль 2021 йил). Олинган натижалар сколиоз касаллигининг умуртқа поғонаси деформациясини сезиларли 73%гача, апикал умуртқа трансляциясини 75%гача коррекциясига имкон берган;

сколиоз касаллигини ташхислаш ва даволаш бўйича ишлаб чиқилган «Болалар ва ўсмирларда сколиотик касалликни хирургик коррекция усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йилнинг 31 июлдаги 8н-р/329-сон маълумотномаси). Олинган сколиотик деформацияларнинг самарали коррекциясига имкон берган;

сколиоз касаллигини ташхислаш ва функционал даволаш бўйича ишлаб чиқилган «Сколиотик касалликни даволаш комплексида жаррохликдан аввалги функционал тайёргарлик усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йилнинг 31 июлдаги 8н-р/329-сон маълумотномаси). Олинган натижалар осиб қўйиш билан танани тизимли тарзда чўзиб тортиш курси дастлабки мобилликка нисбатан сколиотик деформацияларнинг мобиллигини, ўпканинг максимал функционал тириклик сифимини, тана узунлигининг $1,14 \pm 0,7$ смга ошиши, беморлар бўйи активизациясининг ўртача $1,63 \pm 0,7$ смга ўсишига имкон берган;

Зўрайиб боровчи сколиозни даволаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Самарқанд вилояти кўп тармоқли клиникаси, Республика болалар ортопедия маркази, Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаларида амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йилнинг 31 июлдаги 8н-р/329-сон маълумотномаси). Олинган натижалар зўрайиб боровчи сколиотик деформациялар мобиллиги, тана узунлиги, ўпка максимал функционал сифимини ошишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 20та, жумладан 9та халқаро ва 11та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий журналларда 20та илмий мақола, улардан 14та республика ва бта халқаро журналларда нашр қилинган. 2та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат Диссертациянинг хажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурийлиги, диссертациянинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқотнинг амалиётга жорий этилган натижалари кўрсатиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сколиознинг замонавий босқичдаги муаммолари ва истиқболлари (адабиётлар шархи)»** деб номланган I бобида умуртқа поғонасининг сколиотик деформацияларини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммосининг замонавий ҳолати, деформациянинг жарроҳликдан олдинги функционал диагностикаси, режалаштириш ва хирургик коррекциялаш воситалари баён этилган. Сколиознинг мобиллиги ҳақида тушунча берилган, сколиотик деформация мобиллигини ташхислаш воситаси сифатида чўзиб тортишнинг турли усуллари ҳақида баён этилган. Мобиллик ва уни нохирургик (функционал) оширишда функционал ташхислаш стандартлаштирилган воситалари мавжуд эмаслиги, операциядан олдинги ташхислаш ва режалаштириш муаммолари белгилаб олинган. Имплантация қилинувчи тизим комплектациясининг мураккаблашиши, шикастланиш, даволаниш нархи ва асоратлар хавфининг ортиши билан боғлиқ бўлган экспансив тенденцияларни ўз ичига олган кам ва сколиотик деформацияларни хирургик даволашнинг асосий муаммолари кўрсатиб берилган. Муаммоларни ҳал қилиш истиқболли йўллари белгиланган ва у сифатли, кам жароҳат етказувчи инструментал коррекциялаш усуллари ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва текшириш усуллари тавсифи»** деб номланган II бобида тадқиқотнинг материали ва фойдаланиладиган усулларга батафсил тавсиф берилган. Тадқиқот учун жами сколиотик деформациялари бўлган 171 нафар бемор танлаб олинган, шундан 134 нафари жарроҳлик амалиётини бошдан кечирган ва ўртача $10,6 \pm 4,97$ (1-17) йил кузатувда бўлган. 8 ёш ва ундан катталарда (8-25) сколиотик деформация (Кобб бўйича 39° ва ундан ортиқ) мавжуд бўлган беморларни тадқиқотга киритиш мезони бўлиб ҳисобланган. Тадқиқотнинг асосий қисмини болалар ва ўсмирлар ташкил қилган - 87,05% (n=148), (8-18,8 ёш), $M \pm m = 14,6 \pm 2,03$, улар орасида 11,17% (n=19) беморлар 8-12 ёшни ташкил қилган. Тадқиқот тузилмасида “соф”

сколиотик деформациялар устунлик қилган - 60%, кўкрак қафасида жойлашган деформациялар - 64,71%, асосан ўнг томонлама деформациялар - 84,71%ни ташкил қилган. Кўкрак қафаси-бел қисми, белда ва S-симон сколиозлар мос равишда 18,24%, 6,47% ва 10,6% ҳолатларда аниқланган. Кифосколиозлар ва лордо-сколиотик деформациялар мос равишда 29,41% ва 10,58%ни ташкил қилган. Идиопатик сколиоз текширилган беморларнинг аксариятида 84,8% аниқланган, туғма ҳолатлар - 6,6%, Реклингаузен нейрофиброматози ва сириномиелия билан бирга келган сколиоз мос равишда 4,1%, ва 1,5% беморда аниқланган. Эгриликнинг Марфан ҳамда Элерс-Данло синдроми билан биргаликдаги деформациялари улушига 1% ҳолат тўғри келган.

Ушбу тадқиқот уч қисмда амалга оширилган: Текширувларнинг биринчи қисмида тизимли тортиш орқали таъсир этиш натижалари ўрганилди ва мобилликни аниқлаш ҳамда ривожлантиришнинг стандартлаштирилган даво-диагностик комплекси ишлаб чиқилди. Ўртача $15,5 \pm 3,02$ ёшда бўлган, сколиознинг турли шакллари, этиологияси ва оғирлик даражаси, Риссер тести қиймати $3,35 \pm 1,44$ ва асосий сколиотик ёйи Кобб бурчагининг ўртача қиймати $88,7^\circ \pm 36,4^\circ$ га тенг бўлган 171 нафар бемор (187 сколиотик ёйнинг S-симон сколиозларини ҳисобга олган ҳолда) тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилди. Тадқиқотлар Кобб бурчаги қиймати, Риссер тести ва ёши бўйича бир хил бўлган икки гуруҳда олиб борилди. Асосий гуруҳда, асосий сколиотик ёйи $91^\circ \pm 37,1^\circ$ қийматига эга ва Риссер тести $3,34 \pm 1,41$ бўлган, ўртача ёши $15,7 \pm 2,9$ ни ташкил қилган 134 нафар бемор билан 21-98 кун давомида мунтазам машғулотлар олиб борилди, сколиознинг функционал мобиллигини ошириш ва мобиллик даражасини стандартлаштирилган тарзда аниқлаш мақсадида жарроҳлик олди тайёргарлик курси ўтказилди. Тайёргарлик курси антропометрик, хронометрик, аппаратли ва бошқа ўлчовларни қўллаш ёрдамида ҳафталик назорат тестлари билан чуқур бош ушлагичда осиб қўйиш орқали беморлар танасини чўзишни мунтазам такрорлашдан иборат.

Таққослаш гуруҳидаги асосий гуруҳга нисбатан ($p > 0,05$) асосий ёй Кобб бурчагининг қиймати - $85,3^\circ \pm 34,8^\circ$, ёши - $14,9 \pm 3,2$ ва Риссер тести қиймати - $3,15 \pm 1,79$ бўлган 37 нафар беморда танани чўзиб тортиш машғулотларини мунтазам такрорлаш курси амалга оширилмади. Барча маълумотлар осиб қўйишнинг бир марталик синаб кўриш йўли билан ва тест тартибида ўлчаш, биринчи ташрифда, 20-45 кундан сўнг ва қайта 50-80 кундан сўнг олинди. Тадқиқотнинг иккинчи қисмида асосий ёйнинг Кобб бурчаги ўртача қиймати $66,7^\circ \pm 19,97^\circ$, ўртача ёши $15,6 \pm 2,7$ бўлган ва Риссер тести $3,31 \pm 1,56$ ни ташкил қилган 77 нафар беморнинг сколиотик деформациясини хирургик коррекциялаш натижалари ретроспектив клиник тадқиқотнинг объекти бўлиб хизмат қилди. Ушбу сериядаги беморларни ўртача кузатиш муддати $9,69 \pm 5,34$ йилни ташкил қилди (1-жадвалга қаранг).

Тадқиқотнинг иккинчи сериясида текширилган гуруҳлар бўйича олинган
маълумотлар ва беморларнинг тақсимланиши,
M ± m, (min-max)

Гуруҳлар Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=42)	«convex» стратегияси кичик гуруҳи (n=16)	*Таққослаш гуруҳи I (n=25)	** Таққослаш гуруҳи II (n=10)	*** Барча серия (n=77)
Коррекциягача Кобб бурчаги (°)	58,7°±13,3° (39-89°) #P =0,286	56,5°±12,66° (39-77°)	65,11°±15,3° (41-113°)	95,2°±22,9° (58-134°)	66,7°±19,9 (39-134°) **P= 0,327
Жарроҳлик вақтидаги ёши, йил	15,26±2,46 (10-25)	15,9±2,8 (13-25)	15,5±2,7 (10-21,5)	16,2±2,7 (13-20)	15,55±2,7 (10-25)
Риссер тести	3,18±1,52 (0-5)	3,03±1,67 (0-5)	3,4±1,5 (0-5)	3,2±1,87 (0-5)	3,31±1,56 (0-5)
Кузатув муддати, йиллар	8,85±4,85 (1-17) #P =0,378 **P=0,417	9,31±5,8 (1-16) *P=0,337	8,6±5,6 (1-17)	14,6±2,37 (11-17)	9,69±5,34 (1-17) *P=0,2 #P=0,401 **P=0,16
Гендерга мансублиги Э/А	3/39 1:13	0/17	5/32 1:6,4	1/9	9/68 1:7,6
Изох	Қаторлардаги қолган барча учун (p>0,05)				

Асосий гуруҳда (n=42) сколиознинг қабарик томонидан умуртқа поғонасининг деформациясига корпус ва илгаклар билан синхрон, кўп сегментарли трансляцион коррекцияловчи таъсир кўрсатувчи бир корпусли конструкция билан сколиоз “convex” коррекциясининг позицион стратегияси ишланди ва такомиллаштирилди. Биринчи таққослаш гуруҳи, назорат ёки “convex” усули (n=25) аввалгисидан шу билан фарқ қилдики, бир корпусли конструкция сколиознинг ботиқ томонига жойлаштирилди. Коррекция кўндаланг тортувчи илгаклар билан конструкция корпусига 2-4 умуртқалар ёйининг ботиқ ва асинхрон моносегментар трансляцияси билан кўпсегментар дистракция ёрдамида амалга оширилган. Иккинчи таққослаш гуруҳида, (назорат) икки корпусли конструкцияга эга “double-side” (n=10) икки томонлама усулидан фойдаланилди, ушбу конструкция суякли ўсиқларнинг икки томони бўйлаб ўрнатилди, 3D коррекцияловчи илгаклар орқали суяк ўсиқларининг икки томонидан таъсир кўрсатилди. Қўшимча, асосий гуруҳ таркибида “С” – кичик гуруҳча ажратилди (n=16), бунда сколиоз коррекциясининг “convex” стратегияси қўлланилди, такомиллаштирилган усулни қўллаш натижалари таҳлил қилинди. Сколиоз қаттиқ бўлган ҳолатларда ва/ёки беморларда ўсиш яқунланмаганда (Риссер белгиси 0-3), асосий эгриликнинг Кобб бурчаги 65°-89° ва ундан ортиқ бўлганда суяк пардаси остидан қовурға резекцияси ёрдамида сколиознинг қабарик томонидан ён томонлама трансплеврал кириш билан мобилизацияловчи дискэктомия ва тана оралаб спондилодез амалга оширилди. Олд томондан кириш 49 ҳолатда амалга оширилди ва

жарроҳлик амалиёти ўтказиладиган алоҳида кунда инструментал коррекция ўтказилди (n=31), ёки бир наркоз бериш давомида инструментал коррекция билан (n=18) бирга кечди. 56 ҳолатда “extempore” аутотрансплантатларни тайёрлаб олиш ва косметик натижани яхшилаш мақсадида букри қовурғалар резекцияси инструментал коррекция ва орқа спондилодез билан бирга олиб борилди.

Тадқиқотнинг учинчи қисмида бир- ва икки корпусли илгакли металл конструкциялар ёрдамида сколиоз коррекциясининг босқичли бўлмаган бошқа усуллари билан таққослашда бир корпусли металл конструкциялардан фойдаланиб, сколиозлар оғир шаклларида “босқичли сегментар коррекция ва реконструкция” (БСКР) стратегияси самарадорлиги, хавфсизлиги ва самарадорлик кўрсаткичларининг қиёсий тизимли таҳлили амалга оширилди. Асосий сколиотик ёйнинг Кобб бурчаги катталигининг ўртача қиймати $16,4 \pm 3,3$ (8-28) ёшда $M \pm m$ (min-max) $124,8 \pm 23,9^\circ$ ($91^\circ - 186^\circ$) ва проекцион патологик кифоз бурчаги кўрсаткичи $77,8 \pm 38,2^\circ$ ($16^\circ - 181^\circ$) ва Риссер тести кўрсаткичи $3,3 \pm 1,44$ (0-5)га эга бўлган 57 нафар беморда ўтказилган оғир сколиотик деформацияларнинг хирургик коррекцияси натижалари ретроспектив клиник тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилди (2-жадвалга қаранг). Сколиоз коррекциясининг қўлланилган стратегиясига кўра беморлар икки гуруҳга, асосий ва таққослаш ёки назорат гуруҳига бўлинди.

2-жадвал

Тадқиқот маълумотлари ва беморлар гуруҳлари $M \pm m$, (min-max)

Гуруҳлар Кўрсаткич	*Асосий гуруҳ (n=36)	**Таққосла ш гуруҳи (n=21)	Таққослаш кичик гуруҳи 1 (n=14)	Таққослаш кичик гуруҳи 2 (n=7)	#Барча сериялар (n=57)
Даволанишгача Кобб бурчаги (°)	$125,1 \pm 24,4^\circ$ ($92^\circ - 186^\circ$)	$124,2 \pm 23,7^\circ$ ($91^\circ - 165^\circ$)	$130,2 \pm 25,4^\circ$ ($91^\circ - 165^\circ$)	$112,3 \pm 14,9^\circ$ ($91^\circ - 134^\circ$)	$124,8 \pm 23,9^\circ$ ($91^\circ - 186^\circ$)
Даволанишгача кифознинг Кобб бурчаги (°)	$72,3 \pm 41,4^\circ$ ($16^\circ - 181^\circ$)	$83,7 \pm 35,5^\circ$ ($20^\circ - 149^\circ$)	$87,1 \pm 33,7^\circ$ ($37^\circ - 149^\circ$)	$75,5 \pm 40^\circ$ ($20^\circ - 135^\circ$)	$77,8 \pm 38,2^\circ$ ($16^\circ - 181^\circ$)
Операция вақтида ёши	$16,4 \pm 3,2$ (12-28)	$16,38 \pm 3,6$ (8-24)	$17,2 \pm 4,1$ (8-24)	$14,8 \pm 1,68$ (13-18)	$16,39 \pm 3,3$ (8-28)
Риссер тести	$3,22 \pm 1,3$ (0-5)	$3,38 \pm 1,68$ (0-5)	$3,9 \pm 1,5$ (0-5)	$2,4 \pm 1,7$ (0-5)	$3,28 \pm 1,44$ (0-5).
Кузатув муддати, йиллар	$11,44 \pm 4,63$ (1-17) $P2=0,039$	$11,38 \pm 5,67$ (1-17) $P2=0,0418$	$9,7 \pm 4,7$ (1-17)	$14,7 \pm 2,3$ (12-17)	$11,42 \pm 4,61$ (1-17) $P2=0,034$
Гендерга мансублиги Э/А	5/36 1:7,2	5/21 1:4,2	5/14 1:2,8	0/7	11/57 1:5,2
Изох	Қаторлардаги қолган барча учун ($p > 0,05$)				

Асосий гуруҳда (n=36) қўлланилган “БСКР” стратегиясининг натижалари ўрганилди, таққослаш гуруҳида эса (n=21) оғир сколиознинг

коррекциясида босқичлилик мезонини инкор қилувчи (аввалдан босқичли дистракциясиз ва/ёки олд томондан кирмасдан ва/ёки трансляцион илгакларнинг тўлиқ комплектидан фойдаланмасдан) реконструктив-коррекцияловчи стратегияларнинг қўлланилиши текширилди. Қўшимча, таққослаш гуруҳи (босқичлилик мезонига риоя этилмаган стратегия) таркибида иккита таққослашнинг кичик гуруҳи ажратилди, биринчи ва иккинчи. Таққослашнинг биринчи кичик гуруҳида (n=14) бир корпусли, иккинчисида – икки корпусли дистракцион конструкциялар қўлланилиш натижалари таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг ушбу қисмида патологиянинг тузилмаси қуйидагича ифодаланди. Қисмнинг аксарият беморларида 75,4% (57 тадан 43 тасида) ўсмирлар идиопатик сколиози (ЎИС), уч нафарида туғма (5,3%), беш нафарида нейрофиброматознинг I тури билан бирга кечган сколиоз - 8,8%, бир нафардан (1,8% дан) ва (3,5%) целиакия ва сирингомиелия фониди Элерс –Данло, Марфан синдроми, остеопороз билан аниқланди, яна икки нафарида (3,5%) сколиозни хирургик даволашдан сўнг эгриликнинг зўрайиши оғир кифосколиоз ривожланишига сабаб бўлди. Серияда ўнг томонлама кўкрак қисмида жойлашган 50,9% (29) кифосколиотик деформациялари бўлган беморлар 91,2% (52/57) устунлик қилган. Кўкрак-бел қисмидаги сколиозлар 38,6% (22) беморда, бел соҳасидаги сколиозлар 10,5% (6) да ва S- симон, иккиталик сколиоз 10,5% (6) ҳолатда қайд этилган. Оғир сколиозларни (90° ва ундан ортиқ) даволаш бўйича 57 ҳолатдан 52 тасида қовурғанинг суяк пардаси ости резекцияси билан сколиознинг дўшпайган томони бўйлаб ён томонлама трансплеврал кириш билан мобилизация қилувчи дискэктомия ва тана орқали спондилодез қўлланилди. 29 нафар беморда эгрилик 121°дан юқорини ташкил қилганида дискэктомия билан қўшимча тарзда, 53 ҳолатда қовурға букрини резекция қилиш билан бирга, сегментар икки босқичли компрессион-резекцион вертебротомия бажарилди. Умуртқа поғонаси сколиотик деформациясининг инструментал коррекцияси ва стабилизацияси билан боғлиқ бўлган хирургик даволаш жараёнида хал қилинадиган вазифаларга кўра сегментар илгакли фиксация қилувчи модуль - 12X18H9T(10T) маркали зангламас пўлат ёки VT6–VT9 маркали титандан тайёрланган инструментал металлоконструкциядан фойдаланилди. Конструкция бир корпусли ёки икки корпусли вариантда умуртқалар ёйларига ёки тос суяқларига фиксация қилинган ҳолда ишлатилган (№IAP 03203). Металлоконструкцияларни клиник қўллаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармакологик қўмита ва Биоэтика қўмитаси рухсатномаси олинган.


Диссертациянинг «**Сколиотик касалликни даволаш комплексида жарроҳлик олди функционал ташхислаш ва тайёргарлик кўриш тизимини ишлаб чиқиш**» деб номланган III бобида муаммо бўйича илмий адабиётларда келтирилган маълумотларни излаш ва ўрганиш орқали жарроҳликдан аввал режалаштириш, функционал тайёргарлик кўриш, сколиотик касалликдан азият чекувчи беморларни хирургик даволашнинг яқунларини прогнозлаш ёрдамида сколиоз мобиллиги ва

мобилликнинг функционал ривожланишини стандартлаштирилган аниқлаш усули назарий жиҳатдан асослаб берилган. Операциядан олдинги комбинацияланган даволаш ва ташхислаш тизимини ишлаб чиқиш асосида нафақат мобилликни аниқлашнинг стандартлаштирилган диагностик воситаси сифатида фойдаланиладиган, балки даволовчи профилактик функционал таъсир кўрсатувчи сифатида ташқи нафас функциясини яхшилайдиган ва турли асоратларнинг ривожланишини олдини олишга имкон берадиган, умуртқа поғонаси деформацияси мобиллиги ва кўкрак қафаси чўзилувчанлигини ривожлантирувчи, осиб қўйиш билан танани чўзиб тортиш ётади (1,2,3 расм).

Ишлаб чиқилган тизим клиник тадқиқотлар объекти сифатида танланган. Тадқиқотнинг ушбу сериясида сколиоздан азият чекувчи беморлар кузатув бирлиги бўлиб ҳисобланди (жами 171 бемор ёки S-симон сколиозларни ҳисобга олган ҳолда 187 сколиотик ёйлар). Асосий гуруҳда осиб қўйиш билан систематик тарзда даво курсини $32,8 \pm 9,9$ (18-67) кун давомида $31,6 \pm 11,6$ (16-80) миқдорида чўзиб тортишни тақрорлаш беморларнинг чўзиб тортилишга чидамлилигининг ошишига олиб келди, бу даво курси бошида $8 \pm 3,73$ дақиқадан унинг финалида $37,1 \pm 9,9$ дақиқагача ($p=0,01$) машғулотни умумий давомийлигининг 4,6 бараварига ошиши ва таянчсиз осилиш давомийлигининг $79,3 \pm 66,5$ сониядан $641,7 \pm 196$ сониягача оширилиши ҳисобига чўзиб тортишнинг специфик интенсивлигининг 8,1 бараварига ошиши билан тасдиқланади ($p=0,01$). Машғулотнинг умумий давомийлиги ва чўзиб тортишнинг специфик интенсивлигининг оширилиши (таянчсиз осилиб туришнинг давомийлиги), антропометрия маълумотларига кўра, деформацияланган тананинг чўзилувчанлигини (мобиллиги), асосий гуруҳда шахсий дастлабки мобиллигига нисбатан 3,4 бараварга оширди ($1,4 \pm 0,82$ га қарши $4,8 \pm 1,9$ см), бу шунингдек, систематик чўзиб тортиш қўлланилмаган, таққослаш гуруҳидаги беморларда тана мобиллиги 3,2 бараварга ошди. Асосий гуруҳда чўзиб тортиш билан рентгенографиянинг маълумотларига кўра асосий сколиотик ёйнинг Кобб бурчагининг ўрта статистик мобиллиги тадқиқот сўнггида, таққослаш гуруҳида $20,8 \pm 5,5\%$, ($81,8^\circ / 57,2^\circ$) га қарши $41,2 \pm 11,6\%$ ($94,4^\circ / 57,2^\circ$) қайд этилганга нисбатан 1,98 баравар кўпроқ бўлган. Оғир сколиотик деформациялар (90° ва ундан кўп) бўлган беморларда ушбу тадқиқотнинг асосий гуруҳида, осиб қўйиш билан систематик чўзиб тортишда эришиладиган, асосий сколиотик ёйнинг ўртача статистик мобиллиги 35,9% ни ташкил қилди. Буни галотракцияни қўллаш билан хирургик усулда эришиладиган, ўртача 35% ни ташкил қиладиган, мобиллик билан таққослаш мумкин, бунда ушбу тадқиқотда деформациянинг оғирлик даражаси, адабиётларда келтирилган маълумотларга нисбатан, 84° ($63^\circ - 100^\circ$) га қарши $124,95^\circ$ ($91^\circ - 186^\circ$) кўпроқ ифодаланган.

Юқорида айтилганларнинг барчаси оғир сколиозда асосий гуруҳда қўлланиладиган, галотракциянинг жарроҳлик усулига нисбатан, самарадорлиги кам бўлмаган, бироқ хавфсизлиги кўпроқ бўлган,

мобилликни функционал ошириш усулини позициялаштиришга имкон беради. Назорат гуруҳида систематик тарзда чўзиб тортиш қўлланилмади, шунинг учун машғулотларни такрорлаш сони, машғулотнинг давомийлиги, таянчсиз осилиб туришнинг давомийлигининг ўртача максимал қиймати, асосий гуруҳга нисбатан, бир барабар кам бўлди, машғулотнинг ўртача давомийлиги ва таянчсиз осилиб туришнинг давомийлиги мос равишда 9 - 8,8 дақиқа ($p=0,34-0,44$) ва 78,1-86,5 сония ($p=0,25-0,47$) атрофида бўлди.



1-расм. а) чўзишдан олдин бош ушлагич кийдирилган беморнинг олд томондан кўриниши, б) чўзишдан олдин беморнинг тик турган ҳолатидаги кўриниши; в) чўзилиш пайтида таянчсиз ҳолат- “эркин осилиш” ҳолатида мутассил осилиб турган беморнинг орқа томондан кўриниши

Асосий гуруҳда қўлланиладиган, осиб қўйиш билан чўзиб тортишнинг систематик курси, касалликнинг патофизиологик кўринишига таъсир кўрсатди. Шундай қилиб осиб қўйиш ўпканинг максимал функционал тириклик сиғими хажмининг ўртача $12,6\pm 8,4\%$ га ошишига олиб келди, бундан ташқари, асосан тана узунлигининг $1,14\pm 0,7$ см га ($p=0,04$) ошиши ҳисобига, беморларнинг бўйи ўртача $1,63\pm 0,7$ см га ошди. Систематик чўзиб тортиш қўлланилмаган таққослаш гуруҳида бундай ўзгаришлар қайд этилмади.



а

б

2а, б-расм. Таянчсиз мутассил осилиб туриш ҳолатида “ён томонларга тебраниш” машқини бажараётган беморнинг орқа томондан кўриниши



а

б

в

3-расм. Мутассил осилиб туриш машқини бажараётган беморнинг кўриниши.

а – гавдани орқага эгиш»; б - «оёқларни кўкракга тортиш»; в - «оёқларни кўкракга тортиш»

Усулнинг клиникада қўлланилиши шуни аниқлаш имконини бердики, этиологик омилга боғлиқ ҳолда сколиознинг бош сколиотик эгрилигининг мобиллиги (тўғриланиши) қуйидаги кетма-кетликда пасаяди, нейроген сколиоз $54,8\% \pm 11,2\%$; идиопатик $42\% \pm 10,7\%$; синдромал - $39,6\% \pm 9,4\%$, мобилликнинг энг кичик кўрсаткичлари билан туғма сколиоз гуруҳида қайд этилган - $29,6\% \pm 12\%$. Рентгенда қайд этилувчи, асосий сколиотик ёй қиймати (81° ва ундан кўп) билан, оғир сколиотик деформациялар учун, илмий адабиётларда кўрсатилган $24,9 \pm 7,4\%$, ўрта статистик қийматдан ($n=22$) $35,9\%$, систематик чўзиб тортиш курсидан сўнг мобиллик кўпроқ бўлган, бу, анъанавий қўлланиладиган мобилликни аниқлашнинг функционал усуллари билан таққослаганда, систематик чўзиб тортишнинг кўп маълумот беришини

тасдиқлайди. Тадқиқотнинг ушбу қисмида антропофотометрия ёрдамида қайд этилган тананинг тўғриланувчи барча асимметриясининг нисбий суммар кўрсаткичининг ўртача қиймати бўйича Сколиоз мобиллик индекси % асосий сколиотик ёйининг тўғриланувчи рентген кўрсаткичининг ўртача қийматига яқин бўлган ва мос равишда $58,97\% \pm 36,1\%$ ва $42,4\% \pm 11,6\%$ ни ташкил қилган, бунда деформацияланган тана чўзилувчанлигининг нисбий антропометрик кўрсаткичларининг (орқа дистанциянинг ўзгариши) умумий қиймати кам бўлган ва ўртача $17,6 \pm 8,8\%$ ни ташкил қилган. Стандартлаштирилган чўзиб тортиш курсида беморлар танасининг сколиотик асимметриясини ўзгаришларининг антропофотометрик текшируви шуни кўрсатадики, рентенологик текширув билан таққослаганда, ушбу усул самараси кам бўлмаган, бироқ чўзиб тортишни систематик назорат қилишнинг кам инвазивли инструменти, шунингдек касалликнинг ташқи косметик кўринишларини хирургик коррекция қилиш натижаларини прогностлаш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин. Асосий гуруҳда танани осиб қўйиш билан систематик чўзиб тортиш курслари функционал диагностиканинг стандартлаштирилган воситаси бўлиб ҳисобланади, стандартизацияга кучи, давомийлиги ва жойлашиши бўйича бир хил кучга эга коррекцияловчи таъсирни ва антропометрик, рентенологик, хронологик ва антропофотометрик ўлчовларнинг стандартлаштирилган воситасини кўп қарра такрорлаш ҳисобига эришилади.

Диссертациянинг «**Кичик ва ўрта оғирлик даражасидаги сколиозни даволаш комплексида инструментал коррекциялаш усуллари**» деб номланган IV бобида сколиознинг дўппайган томонидан умуртқа поғонасининг деформациясига корпус ва илгаклар билан синхрон кўп сегментар трансляцион коррекцияловчи таъсир кўрсатувчи бир корпусли конструкция билан кичик ва ўрта оғирликдаги сколиоз коррекциясининг ишлаб чиқарилган “convex” позицион усули назарий томондан асослаб берилган. Мазкур тадқиқотнинг вазифаси бир ва икки корпусли, илгакли металл конструкцияларни қўллаш билан кичик ва ўрта оғирликдаги сколиозлар коррекциясининг турли позицион стратегияларини қўллаш самарадорлиги, хавфсизлигини қиёсий баҳолашдан иборат бўлди. Бош сколиотик эгриликнинг дўппайган томонидан жойлаштириладиган (стратегияни ишлаб чиқишнинг асосий гуруҳи) бир корпусли конструкция билан коррекциялашнинг “Convex” усули самарадорлиги, хавфсизлиги ва ишончлилиги бўйича ушбу тадқиқотнинг I ва II таққослаш гуруҳлари натижаларидан устунлик қилади. Ушбу усул $8,85 \pm 4,85$ йиллик кузатув даврида, $7,1\%$ клиник аҳамиятга эга асоратлар, коррекцияни $4,5 \pm 4,2^\circ$ га йўқотиш асосий сколиотик ёй коррекциясини $63,5\% \pm 13,5\%$ га эришишига имкон беради, сколиозни даволаш усуллари янада такомиллаштириш учун истикболли платформа сифатида ушбу стратегияни позициялаштиради (№IAP 06431, 25.02.2021). Коррекциянинг энг яхши кўрсаткичлари (тадқиқотнинг асосий гуруҳининг “C” кичик гуруҳида) сколиознинг ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган позицион “convex”

